

**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши  
БАЁНИ**

Йиғилиш ўтказилган сана: 2017 йил 15 декабрь

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 11:00

Йиғилиш ўтказилган жой: Фарғона шаҳри, Меъмор кўчаси 9-уй.

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони - 3 643 308 дона

Йиғилишда рўйхатга олинган овоз берувчи акциялар сони - 3109844 дона

Умумий йиғилиш кворуми - 85,35 %

**Йиғилиш раиси: Ф.Шарипов – “Ўзпахтаёғ” АЖ ишончли вакили**

**Йиғилиш котиби: И.Гафурова**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.
2. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ва тасдиқлаш.
3. Жамият корпоратив ҳужжатларининг янги таҳририни тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
5. Жамият бошқарув аъзолари таркибини қайта сайлаш.
6. 2017 йил Бизнес режасининг соф фойда кўрсаткичи қайта кўриб чиқиш.

**СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:**

Йиғилишни Ф.Шарипов очди ва навбатдан ташқари умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни санок комиссиясининг раисига берди.

Санок комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 3 109 844 та овозга эга бўлган 1224 та акциядорлардан 3109844 та овозга эга бўлган 22 та акциядорлар қатнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 85,35 фоизни ташкил қилади. Йиғилишда кворум мавжуд ва йиғилиш ўтказишга ваколатли эканлиги эълон қилди.

Йиғилиш раиси йиғилишни очик деб эълон қилишни таклиф этди ва ушбу таклифни овозга қўйди.

**“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.**

Йиғилиш раиси йиғилишни ўтказиш учун Ишчи президиум сайлашни таклиф этди ва унинг сони ҳамда таркиби бўйича таклиф киритишни сўради.

“Ишчи Президиум 3 кишидан иборат бўлсин”, деган таклиф тушди ва овозга қўйилди.

**“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ**

“Ишчи президиумига қуйидагилар сайлансин”, деган таклиф тушди:

**Ф.Шарипов – “Ўзпахтаёғ” АЖ ишончли вакили, йиғилиш раиси.**

**А.Мирзаахмедов - “Фарғона ёғ-мой” АЖ бошқарув раиси.**

**Йиғилиш котиби: И.Гафурова**

**“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ**

Йиғилиш раиси Ф.Шарипов Кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссиясининг сони ва таркибини эълон қилди ҳамда уни тасдиқлашни таклиф этди. Санок комиссияси Эргашев Икром, Махмудова Зуннура, Хакимова Розалар таркибида тузилган. Ушбу таклиф овозга қўйилди.

**“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ**

Йиғилиш раиси санок комиссиясига ишга киришиш мумкинлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг қуйидаги регламентини таклиф қилди.

Маърузачиларга – ҳар бир масалага 10 минутгача, музокарага 5 минутгача.

Йиғилиш регламенти бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди. Овоз бериш кун тартибининг 1-6 масалалари бўйича кўп овозли бюллетен, овоз бериш бюллетенлари акциядорларга уларни рўйхатга олиш пайтида тарқатилганлиги ва овоз бериш ҳамма масалалар муҳокама қилиб бўлинганидан сўнг амалга оширилишини таъкидлаб ўтди.

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокамасига ўтилди.**

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан** йиғилиш раиси Ф.Шарипов маъруза қилди ва “Фаргона ёғ-мой” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини ўқиб эшиттирди. Янги таҳрирдаги уставни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида тасдиқланишига сабаб “Ўзпахтаёғ” АЖ таркибидаги корхоналарнинг устави барчаси учун бир хил бўлиши ҳукумат томонидан топшириқ берилганлигини, ушбу ўқиб эшиттирилган устав “Ўзпахтаёғ” АЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, конунда белгиланган нормативлар асосида ишлаб чиқилганлигини айтиб ўтди.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилиш раиси Ф.Шарипов корхона ташкилий тузилмаси ҳам юқоридаги масалади айтиб ўтилганидек “Ўзпахтаёғ” АЖ таркибидаги корхоналарнинг устави барчаси учун бир хил бўлиши корхона бошқарув структурасини “Ўзпахтаёғ” АЖ томонидан берилган намунавий шакл асосида ўзгартириш киритишни, жамият янги ташкилий тузилмаси қайта тасдиқланиши тўғрисида айтиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг, **“Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин”** деган таклиф овозга қўйилди.

**Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан** йиғилиш раиси Ф.Шарипов сўзга чиқиб корпоратив хужжатларга ҳам ўзгартириш киритиш ва “Ўзпахтаёғ” АЖ таркибидаги корхоналар корпоратив хужжатлари бир хил бўлиши, корпоратив хужжатлар таркибига 15 та низом тасдиқланишини, бу низомларни бирин-кетин ўқиб эшиттирди. Бу низомларларни йиғилиш қатнашчиларига таништирилгандан кейин янги таҳрирдаги низомлар **“тасдиқлансин”** деган таклиф овозга қўйилди.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан** йиғилиш раиси Ф.Шарипов сўзга чиқиб, Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш бўйича янги тасдиқланаётган устав ва кузатув кенгаши вазифаларини оптималлаштириш мақсадида жамият Кузатув кенгаши тартибини 9 кишидан иборат эканлигини, Кузатув кенгашининг 2017 йил 29-ноябр кунги 4-сонли йиғилишида “Ўзпахтаёғ” АЖнинг 2017 йил 27 ноябрдаги МС/8-2630-сонли хатига асосан Кузатув кенгаши аъзолари таркибига киритиш учун қуйидаги номзодларни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилганлигини айти ўтди ва шу номзодларга овоз бериш таклифини билдирди.

№	Номзоднинг Ф.И.Ш.	Номзодни таклиф этган акциядор номи ва акцияларнинг миқдори
1.	Шарипов Бобур Махсудович	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
2.	Балтабаев Шухрат Султанович	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %

3.	Сулаймонова Гулноза	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
4.	Якубов Сардор	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
5.	Курбоналиев Санжар	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
6.	Ниязов Санжар Бахтиярович	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
7.	Мавланов Аваз Мавланович	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
8.	Тошпўлатов Фарход	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
9.	Шарипов Отабек	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ф.Шарипов сўзга чиқиб жамиятга сайланаётган бошқаруви таркибига қуйидаги номзодларни таклиф этди:

1.	А.Мирзаахмедов	бошқарув раиси
2.	М.Абдурахмонов	Маркетинг, молия, савдо ва экспорт бўйича директор
3.	Б.Сафаров	Ишлаб чиқариш директори
4.	О.Ибрагимов	Бош энергетика хизмати бошлиғи
5.	О.Ҳикматов	Бухгалтерия ҳисоби, молия бўлими бошлиғи

Муҳокамадан сўнг “жамият бошқарувнинг янги таркиби рўйхат бўйича сайлансин”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ф.Шарипов сўзга чиқиб 2017 йил Бизнес режасининг соф фойда кўрсаткичи қайта кўриб чиқиш масаласи Кузатув кенгашининг 2017 йил 29 ноябр кунги 4-сонли йиғилишида кераклигича исботлар ва таҳлиллар асосида ўрганиб чиқилганлигини, ҳамда соф фойда режасини камайтириш ёғ-мой маҳсулотларининг сотилиш нархлари 2017 йил янги ҳосилдан кўтарилмаганлигини, 2017 йил август ойида корхона томонидан жорий ярим йиллик ҳисоботлардан келиб чиқиб, “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамиятига янги ҳосил нархлари калькуляциялари ва тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатлари топширилганлигини, “Ўзпахтаёғ” АЖнинг 2017 йил 18 октябр кунги МС/5-6-2325-сонли хати ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2017 йил 13 октябр кунги ЁТ/05-02-32-22/1974-сонли хатига кўра, 2017 йил пахта ҳосилидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни нархларини барқарорлигини сақлаб қолиш учун ёғ-мой маҳсулотлари нархлари ортмаслиги кўрсатилган хатларни ўқиб эшиттирди ва 2017 йил йил бизнесс режадаги соф фойда кўрсаткичи 2000,0 млн.сўмга ўзгартириш таклифини киритди. Йиғилиш кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан музокаралар тугагандан кейин “2017 йил учун тасдиқланган бизнес режада соф фойда кўрсаткичи ўзгартирилсин” деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш раиси Ф.Шарипов акциядорлар томонидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Овозларни ҳисоблаш учун 10 минут танаффус эълон қилинди.

Танаффусдан сўнг, йиғилиш раиси сўзни санок комиссияси раиси И.Эргашевга берди. И.Эргашев санок комиссияси мажлисининг 2-сонли баёнини ўқиб берди (илова қилинади). Жумладан:

Хақиқий деб топилган бюллетенлар сони 22 дона, яъни 3109844 та овоз.

**Овоз бериш натижалари куйидагича:**

**Кун тартибидаги биринчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибидаги иккинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибидаги учинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибидаги тўртинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибидаги бешинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибидаги олтинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши**

**КАРОР КИЛАДИ:**

1. “Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамиятининг янги тахрирдаги устави тасдиқлансин.

2. “Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин.

3. Жамият корпоратив ҳужжатларининг янги тахрири тасдиқлансин.

4. Жамият Кузатув кенгашига куйидагилар сайлансин:

Ф.Тошпўлатов, О.Шарипов, С.Қурбоналиев Ш.С.Балтабаев, Б.М.Шарипов, С.Б.Ниязов, А.М.Мавланов, С.Якубов, Г.Сулаймонова.

5. Жамият бошқарувининг таркиби куйидаги рўйхат бўйича сайлансин:  
А.Мирзаахмедов, М.Абдурахмонова, Б.Сафаров, О.Ибрагимов, О.Ҳикматов.

6. 2017 йил Бизнес режасининг соф фойда кўрсаткичи ўзгартирилсин.

Йиғилиш раиси



Ф.Шарипов

Йиғилиш котиби



И.Гафурова

Баённома 23.12.2017 йил кuni икки нусхада расмийлаштирилди.